

Абай ҚҰНОНБОВ

ҲОЛИМ МЕНИНГ...

(шеърлар)

Гўзал ёрим, мен индамай юраман куп,
Уйлама сен, ўтсиз, ўйсиз, совуқ жон деб.
Юракдаги алангани кўз ёш қилиб,
Гар оқизсам, у нимага бўлади сеп?

Шуринг қургур эл кўзига тик қарайман,
«Шунумни сен сукади-ку» деб уйлайсан.

Юрагимни пора-пора кесиб юрган,
Орсизларни «дустим» деб нега аяйман?

Ичимда қайғум кўпдир, кўз ёшим кам.
Одам йўқдир уни дўст деб дардим айтсам,
Хотин киши бир нозик гул, севиш керак,
Кўзидан ёши чиқса, уни артсам.

Кўнглиннга маълумдирки ҳолим менинг,
Ҳазабларинг бўлмагандир энди сенинг,
Агар менинг ичимни ёриб курсанг,
Йиғлашингни унутиб, чучирдинг.

Ўз айбимга кўз солиб
Уйга ботдим, тулғондим.
Ўз айбимни қўлга олиб,
Текширишга ўйландим.
Ўзимга-ўзим ёқмадим,
Энди қайга сиғолдим?
Урганган бу кўнгилини
Қандай қилиб тиёлдим?
Гуноҳимни санасам,

Тоғ тошидан оз эмас,
Юрагимга кўз солсам,
Арчиб, олиб ташлашга
Жўякдаги ўт эмас.
Ҳаммаси ҳам ўзимдан,
Тангри берган — «ёт»
эмас.
Шунга аҳмоқ бўлганман,
Кўринганга қизиқдим.

Адолатлик юрганнинг
Одиллигин бузибман.
Ақл билан билимдан
Жуда умид узибман
Ҳийла билан қувликни
Марвариддай тизибман
Ялмоғиздай мөн очкўз,
Ор, номусдан безибман.
Қувлик билан шумликка,

Тентак бўлиб учибман,
«Сиз биласиз» деганига
Кунда куйиб пишибман.
Ҳар кимсага мақтаниб,
Айтаман: мөн
«пишиқман».

Фулом ШОДИ
таржималари.